

Бундан йигирма беш йил аввал Тошкентда электр транспорти тармоқлари ўзининг янги ривожланиш босқичига қадам қўйган эди. Аҳоли сони ортиб бориши, турли йирик sanoat корхоналари бунёд этилиши, пойтахтнинг ҳудудий майдони кенгайиб бориши аҳоли хизматига, қўлаб трамвай-троллейбусларни йўлга қўйиши тақозо этди. Ана шундай бир вақтда трамвай-троллейбус ҳайдовчиларига бўлган эҳтиёж ва талаб ортди. Масаланинг муҳимлиги инобатга олиниб, шахримизда трамвай-троллейбус ҳайдовчиларини тайёрловчи дастлабки билим юрти очилди.

Тошкентда яқин-яқингача «Қизил Шарқ» деб юритиб келинган шу трамвай-троллейбус саройи ихтисослашган тўнғич билим юрти учун асосий ўқув негизи бўлиб келди. Кўп ўтмай трамвай-троллейбус корхонаси ҳузурида 23-билим юрти ўз

Хўнара

ОЛТИ МИНГ МУТАХАССИС

фаолиятини бошлади. Шинам ўқув синфлари, устаконалар намунали жиҳозланди. Қисқаси, шаҳар электр транспорти тармоқлари учун малакали ҳайдовчилар тайёрлаш йўлида билим юртида барча ўқув-амалий шароитлар муҳайё қилинди.

Тўғри, дастлаб бу ерда турли ихтисосдаги хўнара эгалари ўқитилди. Бўлажак чилангарлар, таъмирловчилар, нурсозлик касбига қизиққан ёшлар билан машғулотлар уюштирила бошланди. Бу касб эгаларининг дастлабки гуруҳлари билим юртини тугаллаб, Тошкент шаҳар трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси корхоналари ихтиёрига юборилди.

Аммо электр транспорти ҳайдовчиларини қўлаб тайёрлаш кун тартибидagi муҳим масала бўлиб қолаверди. Ёшларга берилаётган касб-хўнара умумлаштирилиб, асосан уч йўналишда ўқитиш жорий этилди. Бу эса трамвай-троллейбус ҳайдовчилари билан бирга малакали чилангар нурсоз тайёрлаш имконини берди.

Трамвай вагонлари техник тузилиши бўйича қўлаб касб эгаларини тайёрлаш режалаштирилди. Шу мақсадда муайян ихтисослик бўйича иккита ўқув хонаси очилди. Уларда вагонлар техника ускуналарига доир кўргазмалар ўқув воситалари тўла жамланди. Бу эса назарий ва амалий машғулотларни кўнгилдагидек ўтказиш, бўлажак касб эгалари билимининг сифатли бўлишини таъминлади.

Билим юрти ўзининг чорак асрлик фаолияти давомида олти мингдан ортиқ транспортчиға йўлланма берди. Уларнинг аксарияти шаҳар электр транспорти тармоқларида тахрибали ҳайдовчи бўлиб ишламоқда.

Бугунги кунда бўлажак касб эгаларининг ўнга яқин гуруҳига билим ва малака берилмоқда. Улар 5-6 ойлик ўқув режаси асосида ихтисос эгалламоқдалар. Бунда В. Фурқонов, А. Еремкин, К. Ким, С. Дебердиев, Ф. Тиллаев каби педагог ва устаконанинг хизматлари катта бўлмоқда. Моҳир педагог ва тадбиркор раҳбар Т. Сафаров эса бутун жамоа эътиборини малакали транспортчиларни тайёрлашга қаратяпти.

Трамвай-троллейбус саройи оталиқ қайтаётган бу даргоҳда кўпгина техник тадбирлар қўрилмоқда. Тахриба-намуна ишлари учун корхона тўртта ўқув трамвай вагонини ва бешта троллейбусни ажратди. Касб эгалловчилар билан корхонанинг малакали усталари яқиндан шугулланмоқдалар. Махсус ҳайдов машғулотлари уюштиришда ҳам улар бош-қош бўлмоқдалар.

Корхона маъмурияти ёшларни моддий томондан қўлаб-қувватлаб турибди. Уларни ихтимоий ҳимоя қилиш мақсадида қўшимча стипендия таъсис қилинди. Чиндан ҳам билим юрти бугунги кунда йирик кадрлар тайёрлаш даргоҳига айланган.

Ақбар АЛИЕВ.

Танловлар

Қўли гул ўқувчилар

Шахримиз мактабларида хўнарамандчилигимиз асосларини болаларга ўргатиш масалаларига кейинги пайтларда катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 5-синфдан бошлаб ўғил болалар рўзгор анжомлари бўлиши сабаби тахта, жўва, ўқлогли, стол, стул, ҳокандоз, кийим илгич, уймакор гулдонлар ясашни ўрганишса, қиз болаларга фартуқлар, қалпоқчалар, болалар кийимлари тикиш-би-чишдан таълим берилмоқда.

А. Навоий номидаги театр майдонида шаҳар мактаб ўқувчиларининг техник ва хизмат кўрсатиш меҳнати машғулотларида ишлаб чиқарган маҳсулотлари кўрик-танловининг ташкил этилиши ҳам юқоридаги хайрли мақсадларни кўзлаб амалга оширилди. Меҳнатнинг ҳар икки тури бўйича шахримизнинг барча туманларидан жами 73 та мактаб ўз маҳсулотлари билан иштирок этди ва 300 номдаги 2000 дан ортиқ маҳсулот тури намойиш қилинди. Шунингдек уларнинг савдоси ҳам уюштирилди.

Кўрик-танловда техник меҳнат (ўғил болалар миллий хўнарамандчилиги) бўйича биринчи ўрин Юнусобод тумани ёш хўнарамандларига, иккинчи ўрин Миробод, Мирзо Улугбек, учинчи ўрин эса Чилонзор ва Ҳамза тумани ўқувчилари ишлаган маҳсулотларга насиб этди.

Хизмат кўрсатиш меҳнати борасида ҳам юнусободликларга кўра шоғирдлар энг яхши натижаларга эришган бир гуруҳ ўқитувчиларга Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг фохрий ёрликлари топширилди.

Дилшод ИСМОИЛ.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилиши, тадбиркорликнинг ривожланиши тақозоси билан шу йилнинг 1 февралдан Тошкент шаҳар ҳўжалик суди ўз фаолиятини бошлади. Бизнинг пойтахт ҳўжалик судининг раиси, юридик фанлари номзоди Фозилжон Ҳайдарович Отахонов билан суҳбатимиз ҳам ушбу янги тузилманинг иш фаолияти, унинг режалари хусусида бўлди.

— Фозилжон Ҳайдарович, бизга маълумки, илгари Тошкент шаҳридаги тадбиркорлар ўртасида бўладиган ҳўжалик низоларини Тошкент вилоят ҳўжалик суди кўриб чиқар эди. Энди алоҳида Тошкент шаҳар ҳўжалик суди ҳам ташкил этилди. Бунинг сабаби нимада?

— Ҳақиқатан ҳам илгари Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри ҳудудида фаолият кўрсатаётган ҳўжалик субъектлари ўртасидаги низолар битта суд, яъни Тошкент вилоят ҳўжалик суди томонидан кўриб чиқилган.

Аммо ҳозирги пайтда хусусийлаштириш жараёнининг жадал равишда амалга оширилаётганлиги боис турли мулк шакллари, айниқса хусусий мулкка асосланиб фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг сони сезиларли даражада кўпайди. Шунингдек, республикамизнинг бозор иқтисодиётига тобора кенг жабҳаларда ўтаётганлиги янгила ва мураккаб тусдаги мулккий низоларни келтириб чиқармоқда. Ушбу ҳолат эса ўз навбатида ҳўжалик судлари олдиға янада улкан вазифаларни қўймоқда. Айниқса, бошқа вилоятлардагига нисбатан Тошкент шаҳрида корхона ва ташкилотларнинг сони бирмунча кўпроқ ҳамда бу ерда йирик ташкилотлар жойлашган. Бинобарин, пойтахтнинг ўзида республикадаги ҳўжалик низоларнинг учдан бир қисми кўриб чиқилади. Шу сабабли тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳар томонлама ва одилона ҳимоя қилишни кучайтириш, қўрилаётган ишларнинг сифатини яхшилаш мақсадида республикамиз Президентининг 1996 йил 27 июль Фармони билан Тошкент шаҳар ҳўжалик суди ташкил қилинди. Ҳозирги пайтда бу суд ўз фаолиятини тўлиқ бошлаб юборган.

— Тошкент шаҳар ҳўжалик судига кимлар мурожаат қилади, у қандай тоифадаги низоларни кўриб чиқади? Сизларга асосан қандай турдаги низолар кўпроқ келиб тушмоқда? Шулар тўғрисида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Бизга мулк шаклларида қатъи назар Тошкент шаҳрида жойлашган ва фаолият кўрсатаётган барча ҳўжалик субъектлари, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган жисмоний шахслар мурожаат қилишлари мумкин. Агар даввогар ҳам, жавобгар ҳам Тошкент шаҳрида жойлашган бўлса, давво микдоридан қатъи назар, агар жавобгарнинг юридик манзили Тошкент шаҳрида бўлиб, даввогар эса Тошкент шаҳридан бошқа вилоятда ёки бошқа республикада жойлашган бўлса, у ҳолда давво микдори 10 миллион сўмдан ошмаган низоларни биз кўриб чиқамиз. Давво микдори 10 миллион сўмдан юқори бўлса, республика Олий ҳўжалик судига мурожаат қилиниши керак.

Ҳўжалик судлари асосан мулккий характердаги ҳў-

жалик низоларини кўриб чиқади. Шунингдек, давлат бошқарув идораларининг ва бошқа органларнинг қонунларга мос келмайдиган ҳамда ташкилотларнинг ҳўқуқларини ва қонуний манфаатларини бузувчи норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳўжатларини бутунлай ёки қисман ҳақиқий эмас, деб эътироф этиш тўғрисидаги низолар ҳам ҳўжалик судларининг фаолиятига тегишлидир.

Ҳозирги пайтда бизга асосан ўз вақтида тўланмаган солиқларни корхона мол-мулкдан ундириш билан боғлиқ бўлган низолар бўйича, шунингдек ҳисоб-китобга оид низолар бўйича аризалар кўп келиб тушмоқда. Уч ойга яқин муддат ичида, Тошкент шаҳар ҳўжалик судига 670 та давво аризаси келиб тушган бўлиб, шулардан 446 таси кўриб чиқилган. Бу қўрилган ишлар бўйича давво суммасининг умумий қийма-

ти ҳақидан кам бўлмаган микдорда;

— 1 миллион сўмдан 10 миллион сўмгача бўлганда давво баҳосининг 2 фоизи микдорда;

— 10 миллион сўмдан юқори бўлганда давво баҳосининг 1 фоизи микдорда, агар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи корхоналар бўлса, давво суммасидан қатъи назар давво баҳосининг 1 фоизи микдорда, шунингдек, мулккий тусда бўлмаган низоларга оид аризалар бўйича (шартнома тузиш билан боғлиқ бўлган, бинодан чиқариш ёки давлат органларининг норматив характерга эга бўлмаган актларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги низолар) энг кам иш ҳақининг 10 баравари микдорда давлат божини тўлашни керак. Давлат божининг 90 фоизи республика давлат бюджетига, 10 фоизи эса Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг ҳўжалик судларини ривож-

Хўжуқ

АДОПАТ ТАРОЗУСИДА — ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ

ти 1 миллиард 42 миллион 155 минг сўмини ташкил қилади. Шундан 789 миллион 772 минг сўми қаноатлантирилган.

— Айтингчи, ҳўжалик судига мурожаат қилишнинг тартиби қандай ва бунда асосан нималарга эътибор берилиши керак?

— Томонлар авваламбор низо бўйича келишмовчиликларни ўзаро ихтиёрий равишда тартибга солиш чораларидан фойдаланиш керак. Яъни, судга мурожаат қилишдан олдин мулккий ҳўқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ташкилот бу ҳўқуқ ва манфаатларини бузган ташкилотга ёзма равишда талабнома юбориши лозим. Ушбу талабномага бир ойлик муддат ичида жавоб олинмаса ёки бир ой ичида жавоб олинми, бу жавобдан даввогар норози бўлса, шундан сўнг унда судга мурожаат қилиш ҳўқуқи пайдо бўлади. Агар даввоно олган ташкилот унга бир ойлик муддат ичида жавоб бермаса, суд томонидан давво суммасининг 5 фоизигача микдорда жарима белгила-ниши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бизга келиб тушаётган давво аризаларининг муайян қисми қонун талаблари асосида тўлдирилмаганлиги сабабли қабул қилинмасдан, қайтариб юборилмоқда. Уларнинг аксарият қисмида даввогар ёки жавобгарнинг юридик манзили, банк реквизитлари, янги ҳисоб рақамлари, юқори турувчи ташкилотнинг номлари тўлиқ кўрсатилмаган ёки давлат божини лозим тарзда тўланмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик-процессуал кодексининг 53-57-моддаларида давво аризасини тўлдириш ва судга юбориш тартиблари аниқ қилиб кўрсатиб қўйилган.

— Ҳўжалик судига мурожаат қилишда тўланиши лозим бўлган давлат божининг микдори ва уни тўлаш тартиби тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 5 мартдаги қарорига биноан, давлат божини ставкаларига жўддий ўзгартириш киритилди. Ушбу қарорга асосан, мулккий тусдаги давво аризалари бўйича давво баҳоси 1 миллион сўмгача бўлганда, давво баҳосининг 3 фоизи микдорда, лекин энг кам

лантириш фондиға тўланиши лозим.

— Ҳўжалик суди томонидан чиқарилган ҳал қилув қарорлари қандай тартибда ижро қилинади?

— Ҳўжалик судининг қарори ҳўжалик суди берадиган буйруққа асосан, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳўжатларига мувофиқ ижро этилади. Буйруқ ижро ҳўжати ҳисобланад ва қарор билан биргаликда юборилади.

Пул маблағларини ундиришға оид буйруқ уни ундирувчи шахсға топишрилади ёки буюртма ёҳуд қимматли хат билан унга юборилади. Маблағлар бюджет тўғрисидаги Фармоннинг қабул қилиниши айнаи муддао бўлди. Чўнки унда суднинг қарорларини бажармаганлиги учун ташкилотларнинг жавобгарлигини кескин ошириш масаласи қўйилган.

Ижро учун буйруқ тақдим этилган идора пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ҳўжалик судининг қарорини ижро этмаганлиги учун ҳўжалик суди томонини аризасига ёки ўз ташаббусига қўра унга ундириладиган маблағнинг 50 фоизигача микдорда жарима солади.

Ҳўжалик судлари қарорларининг ўз вақтида ижро этилиши борасида 1997 йил 5 февралда республикамиз Президенти томонидан «Ҳўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашға оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилиниши айнаи муддао бўлди. Чўнки унда суднинг қарорларини бажармаганлиги учун ташкилотларнинг жавобгарлигини кескин ошириш масаласи қўйилган.

— Республика Олий Маҳлисининг ақинда бўлиб ўтган сессиясида ҳўжалик судлари учун муҳим бўлган ҳўжат, яъни Ўзбекистон Республикаси «Ҳўжалик-процессуал кодексининг янги лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланди. Ушбу кодекс лойиҳаси, унинг зарурияти тўғрисида қисқача маълумот берсангиз.

— Ушбу кодекс лойиҳаси Олий ҳўжалик суди ташаббуси билан республика ҳўжалик судлари томонидан тушган қўлаб тақлифлар инобатға олинган ҳолда тайёрланди ва ҳўжалик судлари, қолаверса ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ҳаттоки, бошқа дав-

лат идоралари ва муассасалари томонидан кенг микдосда ўрганиб чиқилди ҳамда тегишли тақлифлар, мулоҳазалар бидирилди. Бу лойиҳадаги ҳўқуқий меъёрлар ҳозирги қўнўчилиққа тўла мос келадиган ва унда тадбиркорларнинг ҳўқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича қўлаб қондалар акс этган.

Кодекс лойиҳасининг зарурати асосан шўндаки, республикамиз бозор иқтисодиёти муносабатларига тобора кириб боргани сари ҳўжалик субъектлари ўртасида ҳам тегишли равишда янгиҳа муносабатлар пайдо бўлмоқда. Ўз навбатида ушбу муносабатлар билан боғлиқ янгиҳа қўрнинишдаги ва юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мураккаб низолар ҳам вуҷудға келмоқдаки, уларни мазмунан қўриб ҳал қилиш учун янгиҳа процессуал меъёрларға акс этилиши тақозо қилинмоқда. Шўнингдек, қисқа вақт ичида республикамизда тадбиркорларнинг фаолиятини ҳўқуқий тартибға солувчи бир нечта қонунлар ва тегишли ҳўжатлар қабул қилинди. Уларда ҳўжалик субъектлари ўртасида вуҷудға келадиган муносабатларға доир бир нечта янги ҳўқуқий меъёрлар акс этган. Қўнўчиликдаги ўзгаришлар, албатта, янги Ҳўжалик-процессуал кодексни лойиҳасини тайёрлаш заруратини келтириб чиқарди.

— Албатта, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган газетхонларимиз ҳам кам эмас. Сиздан илтимос, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг манзили ва мурожаат қилиш учун керак бўлган бошқа хил маълумотларни ҳам айтиб ўтсангиз.

— Маҳамат. Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси, Волгоград кўчаси, 6-уй. Телефон: 77-35-07.

Давлат божини эса қуйидаги ҳисоб рақамларига тўлаш керак: жумладан, давлат божининг 90 фоизини республика бюджетига фойдасига: Ў бўлим, парграф 3, белги (символ) 57, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси, Уй-жой ҳамғарма банкчининг Меҳнат бўлими, ҳисоб рақами 23402000700100001057, МФО 00423; Давлат божининг 10 фоизини эса Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг ҳўжалик судларини ривожлантириш фондига: Уй-жой ҳамғарма банкчининг Меҳнат бўлими, ҳисоб рақами 20204000100109207048, МФО 00423 реквизиоти бўйича тўлаш лозим.

Дилшод ИСРОИЛОВ

суҳбатлашди.

ТАХРИРИЯТДАН: Сўхбатни чоп этишға тайёрлаш жараёнида Фозилжон Отахоновни қарорғоҳи Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган давлатлар ўртасидаги ҳўжалик низолари кўриб чиқиладиган Европада ҳамкорлик ва хавфсизлик кенгашининг келишув комиссияси ва арбитраждаги арбитраж этиб тайинланганлиги тўғрисидаги ҳушхабардан воқиф бўлдик. Бу авваламбор жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳўқуқий, демократик давлат пойдеворини барпо этаётган Ўзбекистондаги ҳўқуқий ислохотларнинг ҳақли равишда эътироф этилиши демакдир. Биз Ф. Отахоновни ушбу халқаро нуфузли кенгашда ўз фаолиятини бошлаши билан табриклар эканимиз, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг ҳўжалик низоларини бартараф этишдаги роли янада ортиб боришига, бу соҳада амалдаги қонунларға таъйиб адолатли фаолият юритилишиға ишонч билдириб қолишимиз.




Баҳорнинг сўнги ойи ўтиб борапти. Ўзгача эса 83. Табиийки илик, қўнлар келиши билан ҳамшарҳларимизнинг чанковбосди ичимликларига бўлган талаблари ортиб боради. Шўни ҳисобға олиб ушбу соҳаға ихтисослашган корхоналар ишлаб чиқариш ҳажминини кўн сайин ошира бориб, янги турдаги ичимликлар тайёрлаш борасида ҳам изланмоқдалар.

Киёрадаги яхна ичимликлар корхонасида қиздан тайёргарлик кўрилди, — дейди Юнус-обод тумани халқ таълими бўлими нозир М. Раҳимбердиев. — Айниқса, 96-мактаб хўнара муаллими И. Ғуломов, 70-мактабдан Р. Парсегов, 12-мактаб муаллими М. Қорабоев, 21-мактабдан Ф. Ҳамдамова, 235-мактаб ўқитувчиси Д. Алимухамедова каби фидойи, қўли гул муаллимларнинг шоғирдлари тайёрлаган анжомлар бежирим ва юқори сифатлиги билан алоҳида ажралаб турди.

Кўрик-танлов натижаларига кўра шоғирдлар энг яхши натижаларға эришган бир гуруҳ ўқитувчиларға Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг фохрий ёрликлари топширилди.

Дилшод ИСМОИЛ.



СУРАТЛАРДА: операторлар Р. Шаматова ва Р. Исроиловлар иш ўстида; корхонанинг тайер маҳсулотлари.

Холмат Мирзакаримов олган сураатлар.

Тошкент Давлат университетининг маданият саройида Абу Райхон Беруний номи Тошкент Давлат техника университети ва Собир Раҳимов туман айблар кенгаши фаоллари ташаббуси билан «Соғлом эътиқод гоилари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Техника университети профессор-ўқитувчилари, шаҳар жамоат ташкилотлари фаоллари


ЭЪТИҚОД ГОЯЛАРИ

нинг талабалар иштирокидаги бу давра суҳбатиде сўзға чиққан университетнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректор, профессор Абдурашид Қодиров, файласуф олим Омонулла Фаизуллаев, туман хотин-қизлар қў-

МАЪНАВИЯТ

митаси раисининг ўринбосари Соҳида Обидова ва бошқалар ўз маърузаларида ахлоқий қадриятлар, Инсон манфаатлари йиллида зийилларнинг вазифалари, хотин-қизларнинг жаҳият тараққиётдаги, оиладаги, ёшлар тарбиясидаги роли, поклик,

ОЛТИН КЕСИМ



ёқимли, жозибали қўринади. Улғў олимиғиз, давлат ароби, жаҳонда биринчи марта аниқ илмий астрономияға асос солган Мирзо Улғўбек олтин кесимининг микдорини Леонардо да Винчининг 80 йил олдин аниқ билган, чўки унинг лойиҳаси билан жаҳонда биринчи яратилган Расадохона, унинг ичиға ўрнатилган турли ўлчов асбоблари ва бу асбоблар билан Ҳазодаги сайёралар ва юлдузлар ҳаракатини аниқ ҳисоблаш фикримизнинг далилидир. Мирзо Улғўбекнинг бундан 560 йил илгари ҳисоблаган қўшнинг тутилиш жадаллаи шу кўнларда ҳам жуда аниқлиги билан ҳайратомуз-дир. Унинг 2000 йилгача ҳисоблаган жадаллаида қўш тутилиши фақат бир соаттағина фарқ қилар экан.

Бу далилларнинг барчаси аждодларимизнинг геометрия фанини, олтин кесимнинг микдорини,

Мозий

Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.

Эътиқод, виждон эркинлиги, талаба қизларнинг ҳаёли, ибодли бўлишлари ҳақида фикр юритдилар.

Шунингдек, маърузалар орасида санъаткорлар ижросида қуй ва қўшқилар янгради.

Бўлиб ўтган давра суҳбатиде муаллим ва олимларнинг қиқиллари таъширф буюрганларини Шарқ маънавиятининг соғлом эътиқод ҳақидаги тушунчалари билан янада бойитди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Севимли футболчимиз, «Пахтакор» ҳужумчиси Дилмурод Назаровни стадионда эмас, «Ўзэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган маданий тадбир чоғида тасодифан «қўлга туширдик». Тезкор суҳбатимиз футболдан ҳоли, яъни «маданий» мавзуда бўлди.

— Дилмурод, бугунги кунни нимадан бошладингиз?

— Эрталабми? — қўлди у, — юз-кўлни ювишдан-да. Кечадан бошлаб, то миллий терма жамоанинг ўйинига-да дам оляпмиз. «Дунё ташвишларидан йироқда», яйраб ҳордик чиқаряпмиз-да. Сизга айтсам бу жуда ноб имконият.

— «Маданий дам олиш», — сезингча нима у?

— Ўтган ўйинларни яхшилаб ўйлаб, кейингиларига тегишли хулосалар чиқариб, маданий дам олам.

— Тез-тез шундай дам оласизми?

— Йўе, ҳали ёшмизку, дам олишга. Ўйинлардан чарчаганим йўқ ҳали.

— Китоб ўқиб турасизми?

— Албатта. Фақат қисқарок, ҳаёт ҳикояларни ёқтираман. Роман ҳам яхши-ку, лекин бир ўқишда тугатиш қийин. Ўқир Хошимовнинг ҳикоялари — жон-диллим.

— Қандай мусикаларни ёқтирасиз?

— Дам олишда сокин оҳанглардаги миллий мусика, масалан, «Чўли ироқдан зўри йўқ».

— «Пахтакор» ҳужумчиси Дилмурод қайси таомни севади?

— Менми? Шиор битта: «Кўрдингми ош, кўтарма бош!» Ош қанча зўр бўлса — голлар шунча кўп киритилди. Бу ҳазил, албатта, лекин ўзимизнинг паловага етadигани йўқ. Бу — аниқ.

— «Ўзэлектроаппарат» ҳақида фикрингиз?

— Гап йўқ! Ишлари «беш», спорт ва санъатда ҳам илгор қорхона бу. Шундай дўстларимиз кўпаяверсин. Раҳбарлари шахсан

биримиз ўзимизча ном топдик. Масалан мен мана бу суратни «Бургут парвози» деб номладим.

— Бургут суратда кўринмаптику?

— Тўғри, лекин мана бу одам

— Бемалол. Охирги ўйинлардан сўнг қайфиятимиз зўр.

— **Доимо шундай бўлсин! Биз ҳам сизни миллий терма жамоага киритилганингиз билан табриклаймиз!**

— Раҳмат. Бу аввало мен учун катта масъулият. Яхши натижаларга эришиш учун астойдил ҳаракат қиламиз. Терма жамоамиз ўз гуруҳида биринчилики олишига ишонаман. Аввало бу яхши ният, насиб этса агар жаҳон чемпионатига йўлланма олсак, муҳлислар билан яна бир марта сеvimли «Оқшом» орқали дилдан суҳбат қура-миз.

— **Омад доим ёр бўлсин!**

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ

суҳбатлашди.

СУРАТДА: Ҳужумда — Дилмурод Назаров (ўнгда).

ДИПМУРОД НАЗАРОВ: ЯХШИ НИЯТЛАРИМИЗ КЎП

ўртак кўрсатиб, қорхона терма жамоаси таркибиде «Пахтакор»га қарши майдонга тушишган. Шундан хулоса чиқараверинг.

— **Корхонадаги суратлар кўргазмасини кўрдингизми?**

— Буларга қўйил қолиш керак, нима дейсиз? Шунча юмуш, ишлардан ортиб, имконият топганликларини ҳам катта гап. Бу расмларга ҳар

нинг қиёфасига қараган-а. Жуда жиддий, ўйчан кўринади. У уйлар, отлар ва дарахтлардан ҳам юксалроқда тасвирланган. Менимча, расом иснодаги бургутдек мағрурлик, ғалабага бўлган қатъий ишонч шундай тасвирлаган.

— **Футбол ҳақида ҳам битта савол...**



Футбол

КУРАШЛАРГА БОЙ ТАНАФУС

Олий лигадаги 10-турнинг сўнгги учрашуви — «Чилонзор» — «Косонсой» ўйини 1:1 ҳисобида дуранг билан якунланди. Энди Ўзбекистон миллий терма жамоасининг жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида қатнашиши муносабати билан олий лигада 4 июнга қадар қисқа муддатли танафус эълон қилинди. 25 май, якшанба кўни миллий терма жамоамиз «Пахтакор» стадионида Камбоджа футболчиларини қабул қилди. 1 июнда эса футболчиларимиз сафарда Индонезия командаси билан кўч синашди.

27—31 май кўнлари Ўзбекистон кубогининг 1/8 финал ўйинлари бўлиб ўтади. Қўрға натижаларига кўра, бу ўйинларда қўйидаги командалар майдонга тушадилар: «Бухоро» — «Атласчи», «Навбахор» — «Чилонзор», «Сўғдиёна» — МХСК, «Хоразм» — «Нефтичи», «Дўстлик» — «Косонсой», «Насаф» — «Трактор», «Пахтакор» — «Орол», «Андижон» — «Темирийўлчи».

ҚУРҒА ТАШПАНДИ

Маълумки, Ўзбекистон ҳарбийларининг терма жамоаси Жаңубий Корея армия терма жамоаси устидан икки учрашув натижасига кўра ғалаба қозониб, жаҳон чемпионатига йўлланма олишган эди. Кўни кеча Эронда шу йилнинг 21 июнь — 7 август кўнлари бўлиб ўтадиган ўшбу мусобақаларнинг қўрға ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси «А» гуруҳида Сурия, Греция ва Украина терма жамоаларига қарши майдонга тушади. Ҳарбийларимиз 23 июнь кўни дастлабки учрашуви украинalik, 25 июнда эса суриялик ҳамкасбларига қарши ўтказишади. 27 июнь кўни бизнинг рақибимиз грециялик ҳарбийлар бўлади.

Қолган гуруҳларда эса қўйидаги жамоалар бор: «В» гуруҳи: Франция (ҳозирги жаҳон чемпиони), Канада, Буркина — Фасо, Италия.

«С» гуруҳи: Эрон, Руанда, Уганда, Бельгия.

АНЪАНАВИЙ ҒАПАБА

Ўтган йили Ҳамза туманидаги 77-ўрта мактабда 4 та маҳсус футбол синфи тузилган эди. Юрий Леонов ва Олег Рамизов каби тажрибали мураббийларнинг пўхта сабоқлари ўлароқ мактаб жамоаси ўша йилдаёқ шахар мактаб ўқувчилари спартакиадада ғолиб чиқишган эди. Илк муваффақиятли қадамни хайрли аънамага айлантириш масъулиятини сезган ёш футболчилар бу йилги спартакиадага ҳам астойдил тайёрланган эдилар. Яқинда нҳюясига етган Тошкент шахар мактаб ўқувчилари VI спартакиадада дастуридаги футбол мусобақасида 1-ўрин шахар туманларидан келган 16 жамоа ичидан яна Ҳамза туманидаги 77-ўрта мактаб ўқувчиларига насиб этди. Шу тариқа улар вилоят жамоалари баҳсида Тошкент шахри шарафини ҳимоя этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Яқинда Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг жамоалари пойтахтга келиб, 3 кун давомида ҳамшаҳарларимиз билан кўч синашадилар.

Бехзод ЭҒАМОВ.

Соғлом авлод учун

ЖАЖЖИ СПОРТЧИЛАР

Мирзо Улугбек тумани халқ таълими бўлими боғчаларда спортнинг турларини ривожлантириш аънасини тобора ривожлантириб борапти.


Тумандаги 131-болалар боғчасида ўтказилган учинчи гуруҳ спартакиадада иштирокчилари миллий спорт турлари, театрлаштирилган мусиқали чиқишлар, ёш велосипедчилар баҳсида ўзларининг бутун маҳоратларини ишга солишди. Кичкинтойлар бир-бирларидан қолишмасликка тиришардилар. Маҳоратли спортчи, жисмоний тарбия ўқитувчиси Лев Грудин, туман халқ таълими мактаб-гача тарбия бўлими услубчиси Любовь Лапкина, Мая Навдирханова, боғча мудиралари, мусиқа муаллимларидан иборат хайъат аъзолари уларнинг ҳар бир чиқишини диққат билан кузатдилар, муносиб баҳолаб бордилар. 131, 419, 380-болалар боғчаларининг митти спорт ихлосмандларининг чиқишлари-

ни спартакиада хайъати, отаналар қизқиш билан қўтиб олишди. Айниқса, 380-болалар боғчаси болалари олди-га тушадигани топилмади.

— Болажонларимиз тан-жонларининг соғлиғи фақат тадбир учунгина эмас, балки ҳар дақиқа диққатимизда, — дейди кўп йиллик тажрибага эга педагог, 131-болалар боғчасининг мудираси Марҳамат Эргашева. — Келгусида миллий спорт турларини янада кенгайтиришга алоҳида аҳамият берамиз.

Зеро, бугунги кичкин-тойлар орасидан эртага дунёга машҳур таниқли спорт усталари, олим, зуққолар етишиб чиқади. Улар алломиш авлодидан-да. Тани қичқан боланинг ақл-заковатия тиник, зийрак бўлади.

Саида ЙЎЛДОШЕВА.



Бўлажак «пахтакор»-чи.

Рустам Шарипов олган сурат.

Табассум

УМР ШОДЛИГИ

Биласизми, ҳангомаларнинг ҳали матбуотда кенг ёритилмаган, таниқли ва машҳур қизиқчилар ҳам эътибор бермаган бир қирраси мавжуд. У ҳам бўлса тингловчининг жиндек изоҳи билан тўртлик шеър орқали ҳам қўлдириш мумкин. Агар шу қирра ривожлантирилса, ҳанда чинори яна бир мустаҳкам илдизга эга бўлади, деган умидда қўйидаги намуналарни келтирамиз:

◆ Қизлик уйга кетма-кет совчилар кела бошлаган, қиз бола ўз онасидан сўраб экан: «Совчи қайси даҳадан келаяпти, қўёв бўлимининг маълумоти қанақа, касби-коричи, бир-икки учрашувда унинг туриш-турмуши, хулқ-атвори, маданияти ва юриш-туришини билиб бўлармикан?» Қўёв бола ҳам ўз навбатида онасидан сўраб экан: «Бораётган жойингиздаги қизнинг қадди-қомати, бўй-баста қанақа, сўзлаш одоби-чи, яшашни қийинлиги ва зёб-зийнат тақийшдан иборат деб билмайдими, бир-икки марта учрашув ташкил қиласизларми?»

Одатда учрашувга йилит ва қизнинг ёлғиз ўзи юборилмайдми. Уларнинг ёнида албатта ҳар иккисининг ораси, кенойиси, аммаси ёки ҳоласидан иборат «қоровул» ёки «пойлоқчилар» бўлади. Биз тилга олаётган қўёв бола ўзидан кейинги укасини, келин бола бўйи етган ўзидан кейинги синглисини олиб, уи марта учрашувга чиққандан кейин, қўёв бола ёзаяпти:

**Учрашувга олиб чиқдинг ҳар сафар синглигини ҳам,
Қоровуллик қилиб турди, менинг ҳам катта укам,
Бизлар суҳбат бошлаган чоқ улар ҳар ён чопишди,
Тадбир экан пойлоқчилар биздан олдин топишди.**

◆ Бир кишининг пулемёт бўлиб тириллаб турадиган заҳар тилли бадфеъл хотини бор экан. Эр ишга кетаётганида ҳам, ишдан қайтганидан кейин ҳам бир «чақиб» олмаса кўнгли ўрнига тушмас экан. Ҳар кўни ҳуда-беҳуда нарсадан баҳона топиб, жанжал қилиш одат тусига кирибди. Эр ундан ақралай деса, ўртада бешта фарзанд бор, фарзандларини тирик етим қилишга қўзи қиймай, тишини-тишига қўйиб яшар экан.

Хотини фавқуллодда касал бўлиб, тўшақда ётиб қолибди. Шифокорларнинг берган дори-дармонлари наф қўрсатмабди. Бир кўни ишдан қайтган эр хотинининг жуда гамгин аҳволда ётганини кўриб, ундан ҳол-аҳвол сўрабди:

— Онаси, тузукмисан, жуда сўлгин кўринасан, нима бўлди?

Хотини эрига сўнгги йиллар мобайнида биринчи марта юмшоқ муомала қилибди:

— Адажониси, қўндан-қўнга касалим зўрайиб, аҳволим оғирлашмоқда. Умр-қўним битаётганга ўхшайди. Билмадим, мендан кейин ҳаётингиз қандай кечади? Хафалигим шундан бўлса керак. Айтган-дек, сиз ҳам гамгин кўринаяпсиз, нима гап?

— Қўпгина аёллар гапининг тексариси ижобат бўлади. Айтганинг келмай тузук бўлиб кетсанг, аҳволим қандай бўлади? Шўни ўйлаб гамгин тортидим, хотин.

Мана шундай воқеани эътиборга олиб, шоир қалам юргизяпти:

**Яхши хотин вафоли дўст, юзи оловга ўхшар,
Ёмондан ўзинг сақла, тили эговга ўхшар.
Бир қосадан овқат ичиб, бир ёстиққа бош қўйса,
Қалби-қалбга қўшилмайди, худди бировга ўхшар.**

◆ Кейинги вақтда шеър ёзилганда техника хавфсизлигига умуман эътибор берилмапти. Масалан: «Шўх-шўх уйнар эдим, сен билан кирғоқда мен». Уйнагани топан жойини қаранг, кирғоқда эмши! Яна шўх-шўх! Оёқ сал тойилиб, «поп» этса, бировнинг ўғли, бировнинг қизи кетди-ку! Уларнинг ҳар бири ота-онанинг қўзининг қораси, борлиғи, келахати, суянган тоғи, уйининг қаровони эмасми? Яқинда тўй қўраман деб қўвонча тўлиб турган иккита оилада армонга тўла йиғи эшитилиб, мотам тутилиши кимнинг ораб бағрини тилка-пора қилмайдми? Шу қўнларда сууга тушиб, оёғининг томири тортишиб, чиқа олмаётганларнинг сони кўпайиб кетаяпти-ку! Улар умрининг заволи топишига ким айбдор? Албатта, шоир. Чўнки у, техника хавфсизлигини назардан қочирган. Шеърнинг энг катта камчилиги ҳам мана шундан иборат. Шўнинг учун шеърни:

**Шўх-шўх уйнар эдим, сен билан кирғоқда мен,
Панжара тутилган-чун, мен сувдан йироқдамен, —
деб тузатиш лозим.**

◆ Машҳур бир хонайда тўйга тақлиф этилганини анча кун олдин эшитган қариндош-уруғ, қўни-қўшин, маҳалла-қўй, ошна-оғайни, тўйхонани тўлдириб юборди. Юрш учун мўлжалланган йўлақларда ҳам меҳмонлар типта-тиқ туришар, болалар эса зина ва болохонани буткул эгаллаган эдилар.

Шаҳарда ўтадиган баъзи тўйларда шундай одат бор, қўшининг деворидан иккита одам сизгадиган даражада девор бузилиб, қозон-товок, самовар ва чойнак-пиёла қўшинининг уйига чиқарилиб юборилади. Биз тилга олаётган тўйда ҳам шундай қилинган эди. Менинг ёнимга келиб жойлашган меҳмонларга орадан ярим соат вақт ўтса ҳам бир чойнак чой келмади. Чойдан ҳабаб олиш учун қўшни хонадонга йўналдим. Шу вақт хонанда микрофон олдиға келиб қўшиқ бошлади:

**Маъсуда, Маъсуда, Маъсуда,
Севишимни билар эдинг Маъсуда...**

Қўшиниқига ўтсам, 65 ёшлардаги ошпаз отахон қозон атрофида бармоқларини қирсиллатиб «Маъсуда»га шох ташлаяптилар. У кишининг қўзлари менга тушиши билан:

— Ассалому алайкум, отахон, сиз ҳам «Маъсуда»ни яхши кўрасизми? — дедим.

Отахон илжайиб, менга жавоб ўрнида тўрт қатор шеър ўқидилар: **Кексайганда умр ўтсин осуда,
Қариганда кимга керак «Маъсуда»?
Меҳмонларнинг қўни очиб қолгандир,
Шўрвам пишиди, менга керак посуда.**

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

«02»

БОСҚИНЧИЛАР

Ҳамза тумани ички ишлар бўлими навбатчилик қисмига тумандаги мавзевлардан бирида такси ҳайдовчисида босқинчилик жинояти содир этилганлиги тўғрисида хабар келиб тушди. Тез орада бўлимга афти-башараси қизил қонга бўялган жабрланувчининг ўзи келиб қолади. Дарров тезкор гуруҳ тузилиб, у воқеа содир бўлган жойга етиб боради.

Воқеа эса бундай бўлганди. Тўрт нафар ёш ўспирин (уларнинг энг каттаси 19 ёшда) таксичидан Қадриев автобекати-гача элтиб қўйишни сўрашади. Ҳайдовчи уларни айтилган манзилга олиб боради. Улардан иккитаси машинада қолиб, иккитаси шу ердаги уйлардан бирига кириб чиқишини ва орқага элтиб қўйишни айтиб, кўп қаватли уйлардан бирига кириб кетади. Айтилганидек, улар тез чиқишди. Машина «Янгиобод» бозори қоракчасига етганида уларнинг энг кичиги таксичининг бўйнига пичоқ тираб чўнтагидаги бор пулни талаб қилади. Бу ҳам етмагандек уни уриб қалтаклашади. Кейин машинани олиб қочишга уринишади, аммо узоққа боришолмайдми. Машинанинг олдиға таксичининг ҳамкасиби келиб тўхтади. Буни кўриб босқинчилар тўрт тарафга қараб қочишади. Бироқ улар бу жиноятларидан хулоса чиқариб олмасдан яна бир кишининг машинасини шу тариқа олиб қочишга уринишади. Аммо юқорида айтганимиздек тезкор гуруҳ томонидан жиноят устида қўлга олинишади. Ҳозир улар устидан жиноий иш қўзғатилган.

Мирзо АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шахар ИИББ ходими.



Аёлларимиз тайёрлаган бундай ширинлик дастурхон кўрқиди. Рашид Ғалиев олган сурат.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ч

И

Р

К

«ЎЗБЕКДАВЛАТЦИРК» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ХАДРАДАГИ Т. ЭҒАМБЕРДИЕВ НОМИЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ
ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА ЯНГИ АТТРАКЦИОН ИККИ КАВАТЛИ ДОР ЦИРК ГИМНАЗИЯСИ ОСТИДА Тўрт кишидан иборат устуннинг АЖОИБ ИЖРОСИ
акробатика, гимнастика, эквилибристика ва мувозанат сарфлаш соҳасида энг юксак кўрсаткичлар
Раҳбар: Республикада хизмат қўрсатган артист **НИССО АЛИЕВА**
2 қисмдан иборат КАТТА РАНГ-БАРАНГ ДАСТУР
Тошкентда 31 майда, 1, 7, 8 июнда соат 12.00, 15.00 да бошланади.
Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади. Касса соат 10.00 дан 18.00 га қадар ишлайди.
Маълумот олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-29-04.

Ҳурматли тадбиркорлар диққатига!

«Тошкентсавдо» бирлашмаси Японияда ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига киритилган «Шарп ХЕА-120» русумли универсал назорат-касса машиналарини сотиб олишни тақлиф қилади. Ҳар бир машинанинг нархи 19.000 сўм.

Сотиб олишни истасангиз қўйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 33-68-83, 33-58-39
Манзилимиз: Мовароуннаҳр кўчаси, 31-уй. (Санъат музейи рўпарасида).

«Тошмуҳандисқурилиш» акционерлик жамиятига тезлик билан иш таърибасига эга бўлган гишт терувчилар, экскаватор машинистлари **КЕРАК**

«Тошмуҳандисқурилиш» акционерлик жамияти 2-3 ой ичида ўқув марказида қўқорида кўрсатиб ўтилган ихтисосликларга ўргатишни мумкин.

Ётоқхона берилади.
Маълумотлар юзасидан Тошкент шахри, Навоий кўчаси,
16-а уй, 4-қават, 402-хонага мурожаат қилиш мумкин.

«Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциацияси лицензиялик аудиторларни ўқитиш ва тайёрлашни давом эттиради. Янги гуруҳ ўқиши 1997 йил 10 июнда бошланади.

Манзили: Тошкент шахри, Ниёзбек йўли (собиқ Урицкий кўчаси), 6. Телефонлар: 34-01-87, 35-72-51, 34-90-24.

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд қўнлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади.
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кўни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон: 33-28-95.
Факс: (3712) 33-29-09.
МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ, 2-КАВАТ, 202, 202-«а», 206-ХОНАЛАР.

ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ
Toshkent oqshomi

Муассис:
**ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ**

Манзилимиз:
**700000, Тошкент шахри,
Матбуотчилар кўчаси, 32**

Телефонлар:
**хатлар — 33-29-70;
эълонлар: 33-28-95,
33-08-74, 36-57-65,
факс: (3712) 33-29-09.**

Душанба, торнашба
ва ҳуфта
қўнлари таъди.
Навр қўрсатиш
64690

Нашрни етказиб бериш
масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлиmlарига
ёки «Тошкент почтасига»
33-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.